

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ПИЧОҚЛАРИ ТИҒИ КОНСТРУКТИВ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ САНЧМА-КЕСМА ЯРАЛАР СУД ТИББИЙ ДИАГНОСТИКАСИДАГИ АҲАМИЯТИ



Бойманов Фарход Холбоевич, Индияминов Сайит Индияминович
Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ЗНАЧЕНИЕ КОНСТРУКТИВНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ УЗБЕКСКИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ НОЖЕЙ В СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ДИАГНОСТИКЕ КОЛОТЫХ РАН

Бойманов Фарход Холбоевич, Индияминов Сайит Индияминович
Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

THE SIGNIFICANCE OF THE DESIGN FEATURES OF UZBEK NATIONAL KNIVES IN FORENSIC DIAGNOSIS OF STAB WOUNDS

Boymanov Farkhod Kholboevich, Indiaminov Sayit Indiaminovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: boymanovfarxod@gmail.com

Резюме. Тадқиқот мақсади: ўзбек миллий пичоқларининг конструктив хусусиятлари, уларнинг шикастловчи қсми – тиг элементларининг санчма-кесма яралар суд тиббий диагностикасидаги моҳиятини ёритишдан иборат. Материаллар ва тадқиқот усуллари: Тадқиқот доирасида халқаро ва миллий илмий маълумотлар базаларида тизимли электрон қидирув амалга оширилди. Хусусан, PubMed, ScienceDirect, Scopus, Google Scholar ва Elibrary платформаларида илмий манбалар таҳлил қилинди. Қидирув стратегиясида қуйидаги калит сўзлардан фойдаланилди: «санчилган-кесилган жароҳатлар», «морфология», «пичоқ», «миллий», «ўзбек», «конструкция», «тигнинг хоссалари ва параметрлари», «идентификация», «замонавий усуллар». Ушбу атамалар мақолалар сарлавҳаларида, аннотацияларда ёки калит сўзлар қисмида мавжуд бўлиши, қидирувнинг асосий шартли сифатида белгиланди. Танлаб олинган тадқиқотларнинг методологик сифатини баҳолаш PRISMA (Preferred Reporting Items for Systematic Reviews and Meta-Analyses) халқаро стандартлари асосида амалга оширилди. Бунда систематик хатоликлар (bias) эҳтимоли, тадқиқот дизайни, намуна ҳажми ва натижаларнинг ишончлилиги алоҳида таҳлил қилинди. Адабиётлар шарҳига асосан сўнги ўн йилликларда олиб борилган тадқиқотлар киритилди, бу эса муаммонинг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш имконини берди. Тадқиқот натижалари. Ўзбек миллий пичоғи -тигининг металл қисми узунлиги одатда 16–22 см оралигида, кенлиги тахминан 5 см, ўтмас қисми қалинлиги эса 0,3–0,5 см ни ташкил этади. Тиг қалинлиги айрим ҳолларда бир текис сақланиши мумкин, бироқ кўпинча дастадан уч қисмига қараб камайиб боради. Кесимда пичоқ кесув юзаси ёйсимон шаклда бўлиб, ўтмас томондан учига томон босқичма-босқич тораяди. Тиг шакли бир неча турга эга бўлса-да, ишлаб чиқарувчи ва худудидан қатъи назар, у ҳар доим ўтмас томондан бошланувчи қияликга эга бўлиб, улар орқали тиг учига томон силлиқ торайиш юз беради. Узунлигига кўра пичоқ тиглари шартли равишда нисбатан қисқа (11,0–14,14 см), ўртача (14,15–16,90 см) ва узун (16,91–19,82 см) турларга ажратилади. Қўшимча шикастланишлар бўйича ўлчаш ва статистик таҳлил натижалари миллий пичоқлар билан етказилган яраларнинг ўтмас томони морфологик хусусиятлари кесувчи томонига нисбатан 1,53 баробар каттароқ эканлигини кўрсатди. Ушбу кўрсаткич оддий ошхона пичоқлари билан етказилган яралардагидан ишончли равишда юқори экани аниқланди ($R < 0,05$). Хулоса. Ўзбек миллий пичоқларининг конструкцияси Республикаимизнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқарилишига қараб тигнинг физик-механик хоссалари ва шакли-ўлчамлари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Турли ўлчамдаги тигларга эга бўлган ўзбек миллий пичоқлари билан биологик ва нобиологик тўқималарда ҳосил қилинган санчилган-кесилган шикастланишларнинг морфологияси ва шакл-ўлчамларини ўрганиш асосида жароҳат етказувчи воситани аниқлашга қаратилган идентификацион белгиларни ишлаб чиқиш мазкур йўналишидаги кейинги илмий тадқиқотлар истиқболлини белгилайди.

Калит сўзлар: пичоқ, миллий, ўзбек, конструкция, тиг, хоссалар, санчилган-кесилган жароҳатлар, хусусиятлар, воситани идентификация қилиш.

Abstract. Study objective: to shed light on the structural features of Uzbek national knives, as well as the

significance of their traumatic part – the blade elements – in the forensic diagnosis of stab wounds. Research materials and methods: an electronic search of publications was conducted in PubMed, Science Direct Scopus, Google Scholar, and Elibrary. Search terms included the presence of the words "stab wounds," "morphology," "knife," "national," "Uzbek," "design," "blade properties and parameters," "identification," and "modern methods" in titles, abstracts, or keywords. Methodological evaluation of studies was conducted according to PRISMA standards, including an assessment of bias. The review included studies conducted primarily in recent decades. Study Results. The blade, the metal part of an Uzbek national knife, typically ranges from 16 to 22 cm in length, about 5 cm in width, and 0.3–0.5 cm in thickness at the blunt end. While the blade thickness may be uniform in some cases, it typically tapers toward the third of the handle. When cutting, the knife's cutting surface takes an arced shape, gradually tapering from the blunt end to the tip. Although blade shapes vary widely, regardless of manufacturer and region, they always have a bevel starting at the blunt end and gradually tapering toward the tip. Blades are conventionally categorized by length as relatively short (11.0–14.14 cm), medium (14.15–16.90 cm), and long (16.91–19.82 cm). The results of measurements and statistical analysis of additional injuries showed that the morphological characteristics of the blunt side of wounds inflicted with common kitchen knives were 1.53 times greater than those of the cutting side. This figure was significantly higher than that of wounds inflicted with common kitchen knives ($R < 0.05$). Conclusions. The design of Uzbek national knives has its own unique characteristics in terms of physical and mechanical properties, blade shape, and blade size, depending on production in different regions of our Republic. The development of identification marks aimed at identifying the weapon of injury based on the study of the morphology, shape, and size of stab and slash wounds inflicted by Uzbek national knives with blades of various sizes on biological and non-biological tissues defines the prospects for further scientific research in this area.

Keywords: knife, national, Uzbek, types, design, blade, properties, stab wounds, features, weapon identification.

Долзарблиги. Бугунги кунда инсон аъзо ва тўқималарининг ўткир воситалар билан шикастланиши механик жароҳатларнинг энг кенг тарқалган турларидан бирини ташкил этади. Бундай ҳолатларнинг 80–90 % санчилган-кесилган жароҳатларга тўғри келади ва уларнинг аксарияти (97,8 %) ўткир воситалар (пичоқлар) билан етказилади. Бу эса мазкур воситаларнинг кундалик ҳаётда ва ишлаб чиқариш соҳасида кенг тарқалганлиги билан изоҳланади [1-6].

Пичоқ одатда углеродли пўлатдан тайёрланган даста ҳамда тўғри ва кенг тигдан иборат бўлиб, тиг бир томонлама чархланган бўлади, айрим ҳолларда эса орқа қисми (ўтмас томони) бўйлаб эгат (чуқурча) мавжуд бўлади. Пичоқ ишлаб чиқариш технологиясининг такомиллашуви натижасида конструкцияси ва тиг материали жиҳатидан жуда турли хил типлар ҳамда мутлақо янги турдаги пичоқлар яратилган [7, 8].

Ўзбек миллий пичоқлари — Ўзбекистон аҳолиси турмушида энг кенг қўлланиладиган воситалардан бири ҳисобланади. Уларнинг таъсири натижасида учрайдиган жароҳатлар орасида ўлим билан якунланмаган ҳамда ўлимга олиб келган ҳолатлар салмоқли улушни ташкил этади. Мазкур миллий пичоқларнинг конструкцияси Республика турли ҳудудларидаги ишлаб чиқариш анъаналарига кўра фарқланиб, тигининг физик-механик хусусиятлари ҳамда шакли, ўлчамлари жиҳатидан ўзига хосликка эга. Хусусан, ўзбек миллий пичоқларининг орқа ўтмас қисми морфологик жиҳатдан ўзига хос шаклланиши туфайли оддий ошхона пичоқларига нисбатан тери, ички аъзолар ва тоғай тўқималарида янада кучли ва яққол травматик таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради [9]. Мазкур пичоқлар тигининг конструктив хусусиятлари, физик-механик хоссалари ҳамда

шакл-ўлчамлар кўрсаткичларини комплекс таҳлил қилиш санчилган-кесилган жароҳатлар морфологияси асосида жароҳат етказувчи воситани аниқлаш (идентификация қилиш)нинг суд-тиббий имкониятларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Санчилган-кесилган жароҳатларда жароҳат етказувчи воситани идентификация қилиш муаммоси бугунги кунда ҳам илмий ва амалий аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Муайян пичоқ тигининг жароҳатга дахлдорлиги тўғрисида қатъий суд-тиббий хулоса чиқариш фақат воситанинг индивидуал хусусиятлари, шикастланган кийим, тўқима ва аъзолар морфологиясида аниқ ифодаланган тақдирдагина имкониятли ҳисобланади [10-13].

Тадқиқот мақсади: ўзбек миллий пичоқларининг конструктив хусусиятлари, уларнинг шикастловчи қисми — тиг элементларининг санчма-кесма яралар суд тиббий диагностикасидаги моҳиятини ёритишдан иборат.

Тадқиқот материаллар ва усуллари. Тадқиқот доирасида халқаро ва миллий илмий маълумотлар базаларида тизимли электрон қидирув амалга оширилди. Хусусан, ПубМед, СсиенсеДирест, Ссopus, Гooглe Счолар ва Элибрарй платформаларида илмий манбалар таҳлил қилинди. Қидирув стратегиясида қуйидаги калит сўзлардан фойдаланилди: «санчилган-кесилган жароҳатлар», «морфология», «пичоқ», «миллий», «ўзбек», «конструкция», «тигнинг хоссалари ва параметрлари», «идентификация», «замонавий усуллар». Ушбу атамалар мақолалар сарлавҳаларида, аннотацияларда ёки калит сўзлар қисмида мавжуд бўлиши, қидирувнинг асосий шарти сифатида белгиланди. Танлаб олинган тадқиқотларнинг методологик сифатини баҳолаш ПРИСМА (Преферред Репортинг Итемс фор Сйстематис Ревиевс анд Мета-Анализес) халқаро

стандартлари асосида амалга оширилди. Бунда систематик хатоликлар (биас) эҳтимоли, тадқиқот дизайни, намуна ҳажми ва натижаларнинг ишончилиги алоҳида таҳлил қилинди. Адабиётлар шарҳига асосан сўнгги ўн йилликларда олиб борилган тадқиқотлар киритилди, бу эса муаммонинг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш имконини берди.


Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ўзбек миллий пичоқлари - нафақат функционал мақсадига, балки ишлаб чиқариш материали, безак элементлари ва тайёрлаш технологиясига кўра ҳам фарқланади. Бу ҳолат маҳаллий анъаналар ва турли хунармандчилик мактаблари томонидан асрлар давомида шакллантирилган касбий услублар билан белгиланади. Бугунги кунда ҳам Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрихон ва Чуст шаҳарлари пичоқсозлик марказлари сифатида машҳур ҳисобланади. Пичоқларни олиб юриш учун тери ёки латундан тайёрланган қинлар қўлланилади, улар ҳам Ўзбекистон хунармандчилигининг амалий санъат наъмунаси сифатида эътироф этилади [14]. Ўзбек миллий пичоғи - оддий маиший ёки ошхона анжоми эмас, балки Марказий Осиё маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланади. Анъанавий равишда у ўзбек этник келиб чиқишига хос деб қаралса-да, қозок, уйғур, қирғиз ва тожик халқлари ҳам тарихан турли мақсадларда пичоқдан фойдаланиб келган.

Пичоқлар ўз мақсади, тиг шакли ҳамда дастани ўрнатиш (монтаж қилиш) усулига кўра

фарқланади. Мақсадига кўра *норин-пичоқ* — хамирни кесиш учун мўлжалланган, *қассоб-пичоқ* — гўшти парчалаш учун қўлланиладиган, *бола-пичоқ* — эсдалик совға мақсадида тайёрланадиган турларини ўз ичига олади ва бошқа кўринишлари ҳам мавжуд. Тиг шаклига кўра толбарги пичоқ ўтмас қисми пасайтирилган бўлиб, шаклан тол баргига ўхшайди; тўғри пичоқ ўтмас қисми тўғри чизикли; бодомча пичоқ тиг учи бодомсимон шаклда яқунланади; қайки пичоқ тиг учи қайқисимон кўтарилган шаклга эга; сойли пичоқ ва камалак пичоқ тиг ва ўтмас қисми бўйлаб ўтувчи дол (канавка)га эга; қўшкамалак пичоқ эса тигида икки қатор дол (икки канавка) мавжудлиги билан тавсифланади.

Даста тузилишига кўра пичоқлар қуйидаги турларга ажратилади: суқма даста — шох, ёғоч, суяк ёки металлдан тайёрланган яхлит даста бўлиб, тигнинг асосига ўрнатилган; ёрма даста — ёриш усулида ўрнатилган даста; нақшинкор (гулдор) даста — гулли нақшлар билан безатилган даста; чилмихгулли даста — қалай михчалар ёрдамида ҳосил қилинган безакли нақшга эга даста; елда(енгил) даста — енгил эгри шаклга ва юмалоқ тугаш қисмига эга бўлган даста [15].

Анъанавий тарзда пичақ олти асосий элементдан ташкил топади: тиг-кесувчи қисми; тамға- ишлаб чиқарувчи белгиси; гулбанд -тиг ва дастани боғловчи қисм; даста-даста қисми; кез-тигни дастага мустаҳкамловчи мослама; бринч - дастанинг юмалоқланган тугаш қисми (1 расм).



Расм 1. Классик пичоқ конструкциясининг элементлари [15]



Расм 2. Миллий ўзбек пичоқлари тиг қисмининг шакллари [15]

Пичоқ дастаси анъанавий равишда ёғоч, шох ёки суякдан тайёрланади. Бироқ сўнгги йилларда латун, пластик ёки мисдан ишланган дастакли намуналар ҳам учрамоқда. Кўргазмали аҳамиятга эга ўзбек пичоқлари дасталарида қимматбаҳо материаллар ва тошлар билан безак кўйиш ишлари бажарилади. Даста одатда тор ва чўзинчоқ шаклда бўлиб, охириги қисмига томон кенгайиб боради. Даста турлари сифатида 1) суқма ва 2) ёрма ажратилади. Икки қисмдан иборат даста клёзлар ёрдамида маҳкамланади.

Ўзбек пичоғининг металл тиг қисми узунлиги одатда 16–22 см оралиғида, кенлиги тахминан 5 см атрофида бўлади, ўтмас қисмининг ўртача қалинлиги эса 0,3–0,5 см ни ташкил этади. Тиг қалинлиги айрим ҳолларда бир текис сақланиши мумкин, бироқ кўпинча даста

Пичоқ дастаси анъанавий равишда ёғоч, шох ёки суякдан тайёрланади. Бироқ сўнгги йилларда латун, пластик ёки мисдан ишланган дастакли намуналар ҳам учрамоқда. Кўргазмали аҳамиятга эга ўзбек пичоқлари дасталарида қимматбаҳо материаллар ва тошлар билан безак кўйиш ишлари бажарилади. Даста одатда тор ва чўзинчоқ шаклда бўлиб, охириги қисмига томон кенгайиб боради. Даста турлари сифатида 1) суқма ва 2) ёрма ажратилади. Икки қисмдан иборат даста клёзлар ёрдамида маҳкамланади.

Ўзбек пичоғининг металл тиг қисми узунлиги одатда 16–22 см оралиғида, кенлиги тахминан 5 см атрофида бўлади, ўтмас қисмининг ўртача қалинлиги эса 0,3–0,5 см ни ташкил этади. Тиг қалинлиги айрим ҳолларда бир текис сақланиши мумкин, бироқ кўпинча даста томондан уч қисмига қараб камайиб боради. Кесимда ҳам пичоқ тиги ўтмас қисмдан учига томон босқичма-босқич тораяди. Ўзбек пичоғи тигининг шакли бир неча турга эга бўлса-да, ишлаб чиқарувчиси ва ҳудудидан қатъи назар, у ҳар доим тигидан бошланувчи қияликларга эга бўлиб, улар орқали тиг учига томон силлиқ ва изчил торайиш юз беради. Ўлчамлари кўрсаткичларига кўра пичоқ тиглари шартли равишда нисбатан кичик, ўрта ва катта ўлчамли гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Пичоқ тигларининг турлари қуйидагилардан иборат: 1) қайқи — пичоқ учи ўтмас қисми чизигидан бироз юқори кўтарилган шаклга эга; 2) толбарги — тиг учи ўтмас қисми чизигидан пастга туширилган; 3) қозоқча — тигнинг ўрта қисми ўтмас томонида юмшоқ ўйик (виёмка) мавжуд бўлиб, ундан кейин ўтмас қисми классик тарзда тиг учига қараб кўтарилади, мазкур тур баликчилар орасида кенг тарқалган; 4) тўғри — пичоқ учи ўтмас қисми чизиги билан бир сатҳда жойлашган (2 расм).

Кўриниб турибдики, «қайқи» ва «қозоқча» туридаги пичақлар тиги ҳамда уч қисми бошқа

ўзбек пичоқларининг ўлчамларидан кескин фарқ қилади; ҳолбуки, қолган турларда тиг ва уч шакли энг кенг тарқалган ошхона пичоқларига нисбатан ўхшаш шаклларга эга. Шу боис, мазкур икки тур пичоқлар билан етказилган санчилган-кесилган жароҳатлар морфологияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Биз томонимиздан (2018 й.) ўтказилган тадқиқотда санчилган-кесилган жароҳатлар етказишда қўлланилган 17 та Чустда ишлаб чиқарилган ўзбек миллий пичоқлари ўрганилди. Уларнинг 7 тасида (43,75 %) тиг учининг кўтарилганлиги, 4 тасида (25 %) ўтмас қисмининг тўғри чизикли экани, 5 тасида эса (31,25 %) ўтмас қисмининг таъсири мавжудлиги аниқланди.

Тиг кенлигининг уч қисмига нисбатан турли масофалардаги статистик таҳлили миллий пичоқлар билан ошхона пичоқлари ўртасида ишончли фарқлари аниқланмади. Миллий пичоқлар ўтмас қисмининг ўртача қалинлиги $0,30 \pm 0,02$ см ни ташкил этиб, бу кўрсаткич ошхона пичоқларига нисбатан ишончли равишда каттароқ экани аниқланди ($P < 0,05$).

Терини тадқиқ этиш жараёнида 36 та ярадан 28 таси (77,78 %) эгри-чизикли ва синган-чизикли шаклга эга экани аниқланди; фақат 3 та (8,33 %) яра тўғри чизикли шаклда бўлган. 2 та яра (5,56 %) бурчаксимон, 2 та (5,56 %) уч нурли ва 1 та (2,78 %) ёйсимон шаклда қайд этилди.

Стереомикроскопик текширувда кўпчилик ҳолатларда шикастланишларнинг ўтмас томони учлари М ва П-симон (67 %), камроқ ҳолларда эса Г ва Й-симон (33 %) шаклда экани кузатилди.

Яра деворларини ўрганишда аксарият ҳолларда (80 %) шикастланиш деворлари бир томондан тик, қарама-қарши томондан эса бир йўналишда қиялашган экани аниқланди. Бу ҳолат зарбанинг қия ёки қия-кўндаланг йўналишда берилгани билан изоҳланади. Зарба тўғри йўналишда берилганда эса кесувчи қисми ҳосил қилган барча кесим деворлари бир умумий йўналишга эга бўлиб, деворлар тик ҳолатда кузатилди (20 %). Асосий кесимнинг кесувчи қисми тигнинг кесувчи қирраси таъсири натижасида шаклланган.

Кўшимча шикастланишлар бўйича ўлчаш ва статистик таҳлил натижалари миллий пичоқлар билан етказилган яраларнинг ўтмас томони морфологик хусусиятлари кесувчи томонига нисбатан 1,53 баробар каттароқ эканлигини кўрсатди. Ушбу кўрсаткич оддий ошхона пичоқлари билан етказилган яралардагидан ишончли равишда юқори экани аниқланди ($P < 0,05$).

Яра ўлчами узунлигининг бирлигига нисбатан миллий пичоқлар билан етказилган шикастланишларда морфологик ўзгаришлар сони ошхона пичоқларига нисбатан кўпроқ кузатилади

ва ушбу фарқлар статистик жиҳатдан ишончли ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўзбек миллий пичоқлари билан етказилган санчилган-кесилган жароҳатларнинг морфологик ва морфометрик хусусиятлари уларнинг конструктив хоссаларини, хусусан, кенг ўтмас томон ва кўтарилган тиг учи мавжудлигини акс эттиради. Яралар морфологияси миллий пичоқнинг терига нисбатан янада кучли травматик таъсирини намоён этади. Бу эса яранинг эгри-чизикли шаклда бўлиши, шунингдек, унинг атрофида кенг геморрагик ҳошия (қон қуйилиш ҳалқаси) ҳосил бўлиши билан ифодаланади.

Миллий пичоқ конструкциясидаги асосий фарқловчи белги — қалин ўтмас томоннинг мавжудлиги туфайли тиг массив тузилишга эга бўлиб, бу ҳолат, эҳтимол, унинг юқори даражадаги травматик таъсирини таъминлайди, яъни унинг санчувчи-кесувчи (чопувчи-кесувчи) хусусиятини намоён қилади. Шу билан бирга, инсон танасининг турли анатомик соҳаларига санчувчи-кесувчи воситалар билан етказилган санчилган-кесилган жароҳатлар ҳам морфологик жиҳатдан муайян фарқларга эга бўлиши кузатилди.

Хулосалар:

1. Ўзбек миллий пичоқларининг конструкцияси Республикамизнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқарилишига қараб тигнинг физик-механик хоссалари ва шакли-ўлчамлари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга.

2. Ўзбек миллий пичоғи -тигининг металл қисми узунлиги одатда 16–22 см оралиғида, кенглиги тахминан 5 см, ўтмас қисми қалинлиги эса 0,3–0,5 см ни ташкил этади. Тиг қалинлиги айрим ҳолларда бир текис сақланиши мумкин, бироқ кўпинча дастадан уч қисмига қараб камайиб боради. Кесимда пичоқ кесув юзаси ёйсимон шаклда бўлиб, ўтмас томондан учига томон босқичма-босқич тораяди. Тиг шакли бир неча турга эга бўлса-да, ишлаб чиқарувчи ва ҳудудидан қатъи назар, у ҳар доим ўтмас томондан бошланувчи қияликга эга бўлиб, улар орқали тиг учига томон силлиқ торайиш юз беради. Узунлигига кўра пичоқ тиглари шартли равишда нисбатан қисқа (11,0–14,14 см), ўртача (14,15–16,90 см) ва узун (16,91–19,82 см) турларга ажратилади.

3. Ўзбек миллий пичоқлари билан етказилган санчилган-кесилган жароҳатларнинг морфологик хусусиятлари шикастланишнинг пичоқ ўтмас қисмида яққол намоён бўлиб, улар кесувчи қисмига нисбатан 1,53 баробар кўпроқ ифодаланади. Яра четларининг бирлик узунлигига нисбатан морфологик ўзгаришлар сонининг ортиши миллий пичоқлар таъсири фақат санчувчи-кесувчи эмас, балки чопувчи-кесувчи хусусият касб этишини кўрсатади. Демак, миллий пичоқлар тигининг конструктив хусусиятлари оддий ошхо-

на пичоқларига нисбатан тери, ички аъзолар ва тоғай тўқималарига янада кучли травматик таъсир кўрсатишини исботлайди.

4. Турли ўлчамдаги тигларга эга бўлган ўзбек миллий пичоқлари билан биологик ва но-биологик тўқималарда ҳосил қилинган санчилган-кесилган шикастланишларнинг морфологияси ва шакл-ўлчамларини ўрганиш асосида жароҳат етказувчи воситани аниқлашга қаратилган идентификацион белгиларни ишлаб чиқиш мазкур йўналишдаги кейинги илмий тадқиқотлар истиқболлини белгилайди.

Адабиётлар:

1. Базарова В.А. Современные возможности травматического исследования механических повреждений на одежде в России // Юридические исследования. — 2019. — № 9. — С. 52–65. URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=29972.
2. Бойманов Ф.Х., Индиаминов С.И. Морфология и метрические свойства кожных ран, причинённых национальными узбекскими ножами // Буковинский медицинский вестник. — 2020. — Т. 24, № 1 (93). — С. 35–39. DOI: 10.24061/2413-0737.XXIV.1.93.2020.5.
3. Гуров В.Д., Клевно В.А. Особенности повреждений рёбер клинком с дефектом острия // Судебная медицина. — 2023. — Т. 9, № 1. — С. 49–56. DOI: 10.17816/fm734.
4. Девятериков А.А., Куличкова Д.В., Власюк И.В. Определение частоты колото-резаных повреждений внутренних органов и условий их причинения // Судебная медицина. — 2020. — Т. 6, № 3. — С. 27–30. DOI: 10.19048/fm320.
5. Иванов И.Н. Современное состояние и перспективные направления научных исследований судебно-медицинской экспертизы колото-резаных повреждений // Альманах судебной медицины. — 2001. — № 2. — С. 6–14.
6. Индиаминов С.И., Бойманов Ф.Х. Современные судебно-медицинские аспекты колото-резаных повреждений // Судебно-медицинская экспертиза. — 2018. — Т. 61, № 2. — С. 3–7. DOI: 10.17116/sudmed20186123-7.
7. Килдюшов Е.М., Кузнецов К.О., Хрусталева Ю.А. Современное состояние вопроса колото-резаных повреждений // Судебно-медицинская экспертиза. — 2022. — Т. 65, № 5. — С. 58–63. DOI: 10.17116/sudmed20226505158.
8. Кислов М.А. Идентификация колюще-режущих орудий в случаях повреждений плоских костей // Эксперт-криминалист. — 2016. — № 2. — С. 6–9.
9. Ковалев А.В., Забродский Я.Д., Самоходская О.В. Динамика смертельного травматизма в Российской Федерации с 2003 по 2019 г. // Судебно-

- медицинская экспертиза. — 2021. — Т. 64, № 4. — С. 4–12. DOI: 10.17116/sudmed2021640414.
10. Лунева З.М., Тенков А.А., Лобанов А.М. Повреждения внутренних органов острыми предметами // Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. — 2019. — Т. 18. — С. 134–136. URL: <https://www.forens-med.ru/book.php?id=6066>.
11. Потанкина Т.В., Лысенко О.В., Клевно В.А. Перспективы исследования колото-резаных повреждений плоских костей при воздействии клинком ножа с различной толщиной обуха // Судебная медицина. — 2022. — Т. 8, № 4. — С. 67–75. DOI: 10.17816/fm696.
12. Саидахунов М. Пчак — загадка Востока // Клинок. — 2007. — № 1. URL: https://rezat.ru/articles/pchak_natsional_nyj_uzbekskij_nozh/.
13. Семов И.В. Морфологические особенности колото-резаных повреждений, сформированных клинком ножа с дефектом острия // Судебная медицина. — 2017. — Т. 3, № 4. — С. 16–19. DOI: 10.19048/2411-8729-2017-3-4-16-19.
14. Финкелштейн В.Т. Судебно-медицинская оценка повреждений ножами из пластика: автореф. дис. ... канд. мед. наук. — Москва, 2017. — 22 с.
15. Шадымов М.А., Новоселов В.О., Шадымов А.Б. Морфогенез резаных и рубленых повреждений «барьерных» тканей волосистой части головы. — Томск, 2021. — 144 с. URL: <https://www.books-up.ru/en/book/morfogenez-rezanyh-i-rublenyh-povrezhdenij-16084322/>.

ЗНАЧЕНИЕ КОНСТРУКТИВНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ УЗБЕКСКИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ НОЖЕЙ В СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ДИАГНОСТИКЕ КОЛОТЫХ РАН

Бойманов Ф.Х., Индияминов С.И.

Резюме. Цель исследования: пролить свет на структурные особенности узбекских национальных ножей, а также на значение их травмирующей части — элементов лезвия — в судебно-медицинской диагностике колотых ран. Материалы и методы исследования: Произвели электронный поиск публика-

ций в базах данных PubMed, Science Direct Scopus, Google Scholar и Elibrary. Условиями поиска было наличие слов, колото-резаные повреждения, морфология, нож, национальный, узбекский, конструкция, свойства и параметры клинка, идентификация, современные методы, в заголовках, аннотациях или ключевых словах. Методологическую оценку исследований проводили в соответствии со стандартами PRISMA, включая оценку систематической ошибки. В обзор включены исследования, проведенные преимущественно за последние десятилетия. Результаты исследования. Длина металлической части узбекского национального ножа — лезвия — обычно составляет от 16 до 22 см, ширина — около 5 см, а толщина затупленной части — 0,3–0,5 см. Толщина лезвия в некоторых случаях может быть равномерной, но чаще она уменьшается к трети рукояти. При резке режущая поверхность ножа имеет дугообразную форму, постепенно сужаясь от затупленной стороны к кончику. Хотя форма лезвия имеет несколько типов, независимо от производителя и региона, оно всегда имеет скос, начинающийся от затупленной стороны, через который происходит плавное сужение к кончику лезвия. По длине лезвия ножей условно делятся на относительно короткие (11,0–14,14 см), средние (14,15–16,90 см) и длинные (16,91–19,82 см). Результаты измерений и статистического анализа дополнительных повреждений показали, что морфологические характеристики тупой стороны ран, нанесенных обычными кухонными ножами, были в 1,53 раза больше, чем режущей стороны. Этот показатель оказался значительно выше, чем у ран, нанесенных обычными кухонными ножами ($R < 0,05$). Выводы. Конструкция узбекских национальных ножей имеет свои особенности с точки зрения физико-механических свойств, формы и размера лезвия, в зависимости от производства в разных регионах нашей Республики. Разработка идентификационных знаков, направленных на определение орудия ранения на основе изучения морфологии, формы и размера колотых и режущих повреждений, нанесенных узбекскими национальными ножами с лезвиями различного размера в биологические и небиологические ткани, определяет перспективы дальнейших научных исследований в этой области.

Ключевые слова: нож, национальный, узбекский, виды, конструкция, клинок, свойства, колото-резаные раны, особенности, идентификация орудия.